2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 213 (735), 2022 йил 18 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ПРЕЗИДЕНТ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Улардан биринчиси Олимпия шаҳарчаси ҳақида бўлди. Бу мажмуа 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларини ўтказишга мўлжалланган. Шунга мувофиқ, халқаро спорт федерациялари талабларига жавоб берадиган олимпия стадиони, ёпиқ ва очиқ мажмуалар, сув спорти ва эшкак эшиш ҳавзалари, машғулот жойлари қурилиши лойиҳалаштирилган.

Бу галги тақдимотда мазкур йирик лойиҳанинг ташкилий-молиявий жиҳатлари кўриб чиқилди. Мутасаддилар бу борада хорижий компанияларнинг таклифлари, қурилиш материаллари ва спорт жиҳозларини етказиб бериш жадваллари ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчасини қуриш билан бирга, кейинчалик ундан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

— Аввало, ишларни аниқ режали қилиб, мажмуани сифатли қуриш, Осиё ўйинларини юқори савияда ўтказиш керак. Яна бир муҳим масала — кейинчалик бу шаҳарчадан қандай фойдаланиш. Шунинг учун мусобақадан сўнг бу ерни ҳам мураббийлар, ҳам спортчиларни тайёрлайдиган муассасага айлантириш зарур. Маъмурий биноларда Спортни ривожлантириш вазирлиги ва федерацияларни ҳам жойлаштириш мумкин. Шунда бу ерда яхлит спорт муҳити бўлади. Ёшларимиз учун спорт иншоотлари қуриш билан бирга, методикани ҳам ривожлантириб бориш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда Паркент туманида туризмни ривожлантириш лойиҳаси ҳам намойиш қилинди.

Бу ҳақда шу йил 22 сентябрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг сессиясида айтилган эди. Президентимиз вилоятда туризм имкониятлари жуда юқорилигини таъкидлаб, туманларда бундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берганди.

Шунга мувофиқ, Зангиота, Чиноз, Оҳангарон, Ангрен, Паркент ва Бўстонлиқ туманларини боғлайдиган "Тошкент вилоятининг олтин ҳалқаси" ташкил этилмоқда. Масалан, Паркент туманида Кумушкон, Заркент ва Сўқоқ қишлоқлари атрофида дам олиш масканлари кўп. Лекин инфратузилма етарли бўлмагани сабабли хизматлар ривожланмаган.

Шу боис, бу бўйича алоҳида бош режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, Паркентдаги туризм ҳудудига олиб борувчи йўллар яхшиланиб, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари қуввати оширилади. Қаровсиз адирликларга сув чиқарилиб, соя-салқин масканлар кўпайтирилади. Умуман айтганда, инфратузилма давлат томонидан барпо этилиб, туризм учун истиқболли ҳудудлар аукционга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий лойиҳа эканини таъкидлаб, инфратузилмани қуриш ишларини тизимли олиб бориш учун бошқарув компанияси тузиш таклифини билдирди.

Тақдимотда Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий мақбарасида зиёратчилар учун шароитларни кенгайтириш режалари ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

## МАБЛАҒЛАР САРФЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 17 октябрь куни маҳаллалар инфратузилмасига ажратилаётган маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш масаласи бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.**

Маълумки, яқинда, 11 октябрь куни маҳаллаларда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда халқимизни қувонтирган, одамлар манфаатига қаратилган жуда кўп янгиликлар айтилди.

Жумладан, бу йилнинг қолган икки ойида 5 минг 284 та маҳалла инфратузилмасини яхшилашга 2 триллион 700 миллиард сўм ажратилади. Ички йўлларни таъмирлашга маблағлар ҳажми 2,2 баробарга оширилади. "Ташаббусли бюджет" доирасида 1,5 мингта маҳалладаги лойиҳаларга 1 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилади. Келгуси йилдан "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари учун 8 триллион сўм берилади.

Йиғилишда бу маблағлардан самарали фойдаланиш ва сарфланишини назорат қилиш масалалари муҳокама қилинди.

— Келгуси йилдан "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", йўл қурилиши ва бошқа давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширишнинг янги тизимига ўтамиз, — деди давлат раҳбари. — Ушбу дастурлар ва харажатлар фақат ва фақат аҳоли овоз берган лойиҳаларга йўналтирилади. Прокурорлар эса ажратилаётган "ҳар бир сўм"нинг ўз ўрнида ишлатилишини таъминлаб, назорат қилиши лозим.

Шу боис, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори давлат дастурлари ижроси юзасидан янги назорат тизимини жорий этиш, талон-торожлик ва қонунбузилишларнинг олдини олиш, қурилишларни очиқ-ошкора тизим асосида амалга ошириш чоралари тўғрисида ахборот берди.

Президентимиз қурилиш жараёнларини назорат қилишда аҳоли иштирокини кенгайтириш, объектларни қабул қилиш комиссияларига маҳалла раисларини киритиш бўйича кўрсатма берди.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган қурилиш объектларига хорижий техник-назорат мутахассислари жалб қилиниши, давлат объектлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари "Қурилиш ресурслари классификатори" платформаси асосида ишлаб чиқилиши белгиланди. Бу платформа қурилиш материаллари нархларини ягона тамойил асосида шакллантириш имконини беради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигига лойиҳалар, пудратчилар ва қурилиш ҳақидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

### САММИТ ОЛДИДАН

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ЯНГИ ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ



**Самарқанд жорий йилнинг ноябрь ойида яна бир нуфузли тадбир — Туркий давлатлар ташкилотининг саммитига мезбонлик қилади.**
**Бугун Туркий давлатлар ташкилоти ривожланиб бораётган минтақалараро тузилма ҳисобланади. Кенгаш 2009 йили Озарбайжонда Нахичеван битимини имзолаш билан таъсис этилган. Ташкилотга Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон аъзо, Венгрия ва Туркманистон кузатувчи мақомига эга.**

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилга келиб, Ўзбекистонда сиёсий қарашлар ўзгарди. Расмий Тошкент очиқ ташқи сиёсат юрита бошлади. 2019 йилнинг сентябрь ойида Нахичеван битимини ратификация қилиш ҳақидаги қонун Президентимиз томонидан имзоланди ва Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлди. Ташкилот котибияти Истанбулда жойлашган. Унинг муҳим тузилмаларидан яна бири Анқарадаги туркий халқлар маданиятини тарғиб қилувчи халқаро "ТУРКСОЙ" ташкилотидир. Шу кунга қадар расмий равишда ташкилотнинг 7 та саммити бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда

### МУНОСАБАТ

## УМУМИЙ ИНТИЛИШЛАР БИЛАНГИНА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН

### Президент Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳридаги ҳамкорликни кучайтириш борасидаги долзарб таклифлари ва самарали учрашувлари шарҳи

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 12–14 октябрь кунлари Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг олтинчи саммити (ОҲИЧК), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва "Марказий Осиё — Россия" саммитида иштирок этди.**




12 октябрь куни Остонада Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Бугунги кунда ОҲИЧКда 28 давлат иштирок этмоқда. Яна 9 давлат (Беларусь, Индонезия, Малайзия, АҚШ, Украина, Филиппин, Япония, Лаос ва Туркманистон) ва 5 та халқаро ташкилот (БМТ, ЕХҲТ, Араб давлатлари лигаси, Туркий тилли мамлакатлар парламент ассамблеяси, Халқаро миграция ташкилоти) кузатувчи мақомига эга. ОҲИЧК БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олган нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.

Ташкилот ўз олдига Осиёда барқарорлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда кўп томонлама фикрларни инобатга олган ҳолда ҳамкорликни кенгайтириш, ноқонуний наркотиклар ишлаб чиқиш ва уларнинг савдосига, терроризмнинг барча кўринишлари ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши кураш мақсадини қўйган. Осиё фаровонлиги ва барқарорлиги йўлида савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ барча масалаларда ҳамкорлик қилиш, аъзо давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш устувор ҳисобланади.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ташкилот, асосан, ҳарбий-сиёсий, янги чақириқ ва таҳдидлар, иқтисодий, экологик ва инсоний ўлчов йўналишларида ҳамкорлик қилади.

Давоми 3-бетда

### ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

## МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА МАБЛАҒЛАРИ

### нима учун фақат аҳоли овоз берган лойиҳаларга ажратилади?

**Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос катта-кичик муаммоси бор. Ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви тортиш, электр ва газ таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари доимо долзарб бўлиб келган. Уларни ҳал этиш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашда "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг ўрни тобора ортиб боряпти.**

Давоми 2-бетда



### ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

**Деярли барчамизнинг мобиль телефонимизга ҳар ҳафта бўлмаса-да, ойда бир-икки марта "2100" қисқа рақамидан электр энергиясидан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида "СМС" хабарнома келиб туради. Бунга шунчалик ўрганиб қолдикки, ҳатто хабар бўлмаса, ўзимиз телефонимизга уланган дастурлар ёрдамида электр энергияси бўйича ҳисобрақамимиз ҳолатини тез-тез текшириб кўришга одатландик. Агар ҳисобимизда маблағ кам бўлса, тўлдириб қўйишга ҳаракат қиляпмиз.**



## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

### истеъмолчиларга қандай қулайлик яратади?

Албатта, бу ахборот технологиялари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда ажабланадиган ҳолат эмас. Булар ана шу тараққиёт меваси, давр талаби. Бугунги кунда тармоқда кундалик эҳтиёжга айланиб улгурган бундай ижобий ўзгаришлар анчагина. Ваҳоланки, яқин-яқингача ҳам қарздорлигимизни хизмат кўрсатувчи корхона ходими уйимизга келиб, ҳисоблагич ва дафтаридаги рақамларни солиштириб айтганда ёки ўзимиз электр тармоқлари корхонасига борганда билар эдик. У ердаги навбатлар, асаббузарликларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Энди эса вазият бошқача. Ҳисоб-китобни уйимиздан, ишхонамиздан чиқмаган ҳолда, умуман, истаган жойдан амалга оширяпмиз. Ортиқча оворагарчиликлар деярли йўқ.

"Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга қараганда, тизимда замонавий ахборот технологиялар жорий этилиши туфайли ҳозирги кунга келиб 95 фоиз истеъмолчи олдиндан тўловни амалга оширмоқда.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

# МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА МАБЛАҒЛАРИ

## нима учун фақат аҳоли овоз берган лойиҳаларга ажратилади?

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз шу йил 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берди. Унга кўра, 2023 йилдан маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина "Ташаббусли бюджет" орқали аҳоли овоз берган лойиҳаларга ажратилади. Бунинг учун маблағлар 3,5 баробарга оширилиб, 8 триллион сўмга етказилади.

"Шунда ўғирлик бўлмайди, адолат бўлади, одамлар ўзлари ҳисса қўшган лойиҳаларни, албатта, асраб-авайлайди", — деди давлатимиз раҳбари.

### ФАОЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК ПЛАТФОРМАСИ

Маълумки, "Очиқ бюджет" платформаси орқали "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси йилига икки марта, ҳар бири 3 босқичда ташкил этиляпти. Дастлабки босқичда фуқаролар лойиҳалар бўйича ўз таклифларини илгари суради, иккинчисида улар модерация жараёнидан ўтказилади. Учинчисида сараланган таклифлар овоз беришга қўйилади. Унинг якунларига кўра, "Очиқ бюджет" ахборот портали автоматик равишда ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп тўплаган овозлар асосида ғолиб лойиҳаларни аниқлайди.

— 2022 йилда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларини молиялаштириш мақсадлари учун йўналтириладиган маблағлар миқдори 3,5 баробарга оширилди, — дейди Молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасанов. — Жорий йилда туман, шаҳарларда тасдиқланган бюджетлардан ажратилган 5 фоиз маблағнинг ўзи 1,5 триллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Бундан ташқари, қўшимча манбаларнинг 30 фоизи ҳам "Ташаббусли бюджет" учун йўналтирилади.

Ҳақиқатан, кўлам ҳам, маблағ ҳам тоборо ортиб боряпти. Аслида бундан беш йил олдин бундай имконият ва кўрсаткичларни тасаввур этиб бўлмас эди. Қолаверса, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ масалалар ечимига ажратилган маблағлар керакли манзилга етиб бормаслиги, бу борада улар иштироки ва назоратининг йўқлиги муаммоларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўларди. Яъни ҳар бир солиқ тўловчи ўз "бурчи"ни бажарарди, аммо бюджет, айниқса, маҳаллий бюджет маблағларининг қаёққа ва қандай сарфланишидан бехабар қоларди. Уларни тақсимлашдаги жамоатчилик иштироки ва назорати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

2018 йилда "Очиқ бюджет" ахборот порталининг ишга тушиши билан "муз" кўча бошлади. У орқали фуқаролар наинки бюджет маълумотлари билан танишиб боришлари, шу билан бирга, бу жараёнда бевосита иштирок этиб, ўзларини қийнаб келаётган масалаларни ҳал қилиш учун тегишли маблағларни тақсимлашда иштирок этиш имконияти яратилди. 2019–2020 йиллар давомида ўтказилган "Ташаббусли бюджет" жараёнларида улар томонидан жами 230 мингга яқин таклиф билдирилиб, овоз бериш натижаларига кўра, 245,1 миллиард сўм жойлардаги муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилди.

Юртдошларимизнинг мазкур жараёндаги иштироки ҳам тобора фаоллашиб боряпти. Агар ўтган йили ижтимоий лойиҳаларга 1 миллиондан ортиқ овоз берилган бўлса, унинг жорий йилда ўтказилган дастлабки мавсумида ушбу кўрсаткич беш баробарга ортди, яъни овозлар сони 6 миллион 700 мингдан зиёд бўлди.

Иккинчи мавсумда бу лойиҳада 9 минг 201 (98 фоиз) маҳалла иштирок этди. Жараёнда 7,8 миллиондан ортиқ овоз берилди. Шундан 4,3 миллион овоз тўплаган 1418 та лойиҳа ғолиб бўлди. Улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилди.



> РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИДАН АЖРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒЛАР ДОИРАСИДА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФГА КЎРА, 110 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ, 113 ТА МАҲАЛЛАДА ИЧКИ ЙЎЛЛАР, 16 ТА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ, 49 ТА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ КАБИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎШИМЧА РАВИШДА МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ.

Энг муҳим жиҳати, овоз бериш жараёнида мамлакатимизда яшовчи жами аҳолининг 22 фоизи иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 33 фоиз, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Наманган вилоятларида 25–26 фоиз атрофида бўлди.

Ҳудудлар кесимида Фарғона вилоятининг Данғара туманида энг юқори даража қайд этилиб, умумий аҳолининг 84 фоизи "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида иштирок этди. Бу кўрсаткич Ўзбекистон туманида 48, Риштон туманида 44, Фурқат туманида 43 фоизни ташкил этди. Бундан кўринадики, аҳолининг долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ҳамжиҳатлиги тобора ортиб боряпти ва ғолиб чиққан маҳаллалар учун ўзига хос байрамга айланиб кетяпти.

Ҳаётнинг ўзи "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада кенгайтириш ва оммалаштиришни кун тартибига қўймоқда. Чунки бу тизим орқали ҳозирги пайтда аҳолининг энг долзарб муаммоларини ўрганишга ёрдам берадиган "очиқ маълумотлар базаси" шаклланмоқда. Бинобарин, уч мавсум давомида айнан маҳаллалардаги муаммоларга доир 100 мингдан ортиқ таклифлар билдирилди. Бу, ўз навбатида, наинки туман ва шаҳар даражасида, балки маҳаллалар кесимида ҳам мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида фаол иштирок этган ёки умуман лойиҳалар илгари сурилмаган масканларни аниқлашда ҳам қўл келмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда мутасаддилар эътиборини республика бўйича 1,5 мингта маҳалла аҳолиси бирорта лойиҳага овоз бермаганига қаратар экан, яқинда маҳаллаларда раислар сайлови бўлиб ўтгани, янгидан сайланган раислар одамларга ваъдалар бергани, лекин тақдим этилаётган бу имкониятдан фойдаланмаётганини кўрсатиб ўтди. "Мудраб ўтирган" раисларни фаолликка чақириш, керак бўлса, ўқитиш лозимлиги таъкидланди.

### ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ЯНГИЛИКЛАР

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бир қатор таклифлар кўплаб маҳаллалар аҳолисига кўтаринки кайфият, келажакка ишонч бахш этяпти. Гап шундаки, 342 та маҳалладаги 2 мингтадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 364 та лойиҳа учун қўшимча 335 миллиард сўм ажратиладиган бўлинди. Натижада иккинчи мавсум учун ажратилган жами маблағлар миқдори 1,3 триллион сўмни ташкил этиб, ғолиб деб топилган лойиҳалар сони 1782 тага етди.

Республика бюджетидан ажратилган қўшимча маблағлар доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган таклифга кўра, 110 та умумтаълим мактаби, 113 та маҳаллада ички йўллар, 16 та мактабгача таълим муассасаси, 49 та соғлиқни сақлаш ташкилотини таъмирлаш ва жиҳозлаш каби лойиҳалар қўшимча равишда молиялаштирилиши белгиланди.

— Вилоятимизда лойиҳанинг иккинчи мавсуми натижалари учун жами 116,1 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган эди, — дейди Фарғона вилояти молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳайитбой Хайруллаев. — Унда жамоатчилик томонидан илгари сурилган 2 минг 709 та таклифдан энг кўп овоз тўплаган 126 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Булар ички йўллар, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ичимлик суви ва оқова сув тизимини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, болалар майдончалари, аҳоли дам олиш масканлари барпо этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ ғолиб бўлган эди.

Президентимиз ташаббуси билан овоз тўплаш жараёнида 2 мингдан ортиқ овоз олган, лекин ғолиб бўлолмаган таклифларга маблағ ажратилиши янги имкониятларга йўл очди. Фарғона вилоятида бу жараёнда умумий қиймати 59 миллиард 869 миллион сўм бўлган 63 та таклиф қўллаб-қувватланди.

— Маҳалламизда электр кучланиши жуда пасайиб кетганди, — дейди Риштон тумани "Воҳим" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жаҳонгир Сирожиддинов. —"Очиқ бюджет" портали жараёнида электр таъминотини яхшилаш мақсадида 3 дона 360 кВт. бўлган янги трансформатор ҳамда 3 километр электр тармоғи тортиш учун билдирган таклифимиз икки мингдан ортиқ овоз олган бўлса-да ғолиб бўлмаганди. Президентимиз бизга янги имконият яратиб бергани ҳаммамизни қувонтириб юборди. Лойиҳамиз қўллаб-қувватланиб, керакли сармоя ажратилгани айни муддао бўлди. Ҳозирда билдирган таклифлармиз бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Аҳолини қувонтираётган бошқа янгиликлар ҳам кўп. Келгуси йилдан бошлаб маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина "Ташаббусли бюджет" орқали аҳоли овоз берган лойиҳаларга ажратилишини, унинг умумий миқдори 8 триллион сўмга етказилишини юқорида қайд этган эдик.

> ИККИНЧИ МАВСУМДА БУ ЛОЙИҲАДА 9 МИНГ 201 (98 ФОИЗ) МАҲАЛЛА ИШТИРОК ЭТДИ. ЖАРАЁНДА 7,8 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ОВОЗ БЕРИЛДИ. ШУНДАН 4,3 МИЛЛИОН ОВОЗ ТЎПЛАГАН 1418 ТА ЛОЙИҲА ҒОЛИБ БЎЛДИ. УЛАР УЧУН ЖАМИ 1 ТРИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ ЎТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

— 2023 йилдан вилоят бюджетлари қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳам "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларига йўналтирилади. Бунинг натижасида ушбу жараёнлар учун қўшимча 1 триллион сўм ажратилади дегани, — дейди Азимжон Ҳасанов. — 200 дан ортиқ аҳоли қўллаб-қувватлаган маҳалла шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни жиҳозлашга келгуси йилда қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади. Бу орқали 195 та лойиҳа доирасида 600 та маҳалла аҳолиси қамраб олинади.

Яна бир муҳим жиҳати, маҳаллаларни обод қилиш ва уларга инфратузилма олиб бориш дастурларини ишлаб чиқишда аҳоли кўтарган 12 мингта масалани ҳам ҳал қилишни ўз ичига оладиган янги тизим яратилади.

Видеоселекторда 4979 та маҳалладаги ички йўллар, ичимлик суви ва оқова тизими, электр энергияси ва газ таъминоти, боғча, мактаб ва спорт объектлари, ободонлаштириш, суғориш, кўчаларни ёритиш ва бошқа масалаларни ҳал қилишга бир ой муддатда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармаларига 1,7 триллион сўм йўналтириш топширилди. Эҳтиёжга қараб, йил якунига қадар яна 1 триллион сўм ажратилади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбирлари**

САММИТ ОЛДИДАН

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:

## ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ЯНГИ ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ



**Мунира ҚАҲҲОРОВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Ташкилот атрофига бирлашган давлатлар аҳолиси 144 миллиондан, ҳудуди 4 миллион квадрат километрдан зиёд. Халқаро экспертлар ташкилотни туркий халқларни бирлаштирувчи ва уларни интеграцияга бошлаб борувчи тузилма сифатида баҳолайди.

Шу ўринда, туркий тилли халқлар ҳақида айрим маълумотларни айтиб ўтсак. Тахминий ҳисоб-китоблар бўйича туркий тилли халқлар сони 200 миллионга яқин, балки бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркманистондан ташқари форсий тилли халқлар ареали бўлмиш Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва қисман Покистонда ҳам туркий халқлар мавжуд. Туркий халқларнинг катта гуруҳи Хитой ва Россияда яшайди. Шунингдек, Шарқий Европа ва Яқин Шарқ ҳудудларида туркий халқларни учратиш мумкин.

Туркий давлатларнинг аксарияти ўзи учун устувор саналган бошқа давлатлар ва интеграцион бирлашмалар билан муносабатларни ривожлантиришга аҳамият бермоқда. Бир сўз билан айтганда, туркий давлатлар сиёсий элитаси бу Туркий давлатлар ташкилотида иштирок этишни бошқа ташкилотлар доирасидаги самарали фаолиятига муқобил вариант сифатида кўраётгани йўқ. Ташкилотнинг барча аъзолари "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Туркий давлатлар билан алоқаларни Марказий Осиё минтақаси доирасида ривожлантириш, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш ташкилот фаолиятининг асоси ва барқарор истиқболидир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу борада муҳим қадамлар ташланди. 2016 йилдан, ҳудудий-чегаравий масалаларни тўла бартараф қилишдан бошлаб транспорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришгача бўлган самарали қарорлар қабул қилинди.

> ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ БИЛАН БУ БОРАДА МУҲИМ ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ. 2016 ЙИЛДАН, ҲУДУДИЙ-ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ТЎЛА БАРТАРАФ ҚИЛИШДАН БОШЛАБ ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГАЧА БЎЛГАН САМАРАЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Туркий давлатлар ташкилотининг иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий мулоқот соҳаларидаги кўрсаткичлари, эришилган натижалари ва аъзо давлатлар ташқи сиёсатида аҳамияти қандай эканидан қатъи назар, у туркий халқларнинг ўзаро мулоқоти учун қўшимча платформа вазифасини бажариб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида мазкур тузилма ҳамкорликни чуқурлаштириш учун институционал механизмларни яратиш билан кўпроқ шуғулланди. Бу ҳамкорликни қандайдир мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда ички механизмларни тартибга солиш, баъзи институционал элементларни яратишга эътибор қаратилди. Эндиликда мазкур ташкилот доирасида кўплаб параллел форматлар мавжуд. Бунда, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада истиқболни кўриш мумкин.

> Бизнинг манфаатларимизга жуда мос келадиган соҳаларга эътибор қаратиш ва бу борадаги асосий йўналишларга урғу бериш лозим. Агар биз ушбу соҳаларда яхши натижаларга эришсак, бугунги кунда устувор бўлган бошқа соҳаларни ривожлантириш осонроқ кечади.

Масалан, биринчи босқичда иқтисодий ҳамкорлик, транспорт йўлакларини яратиш, ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш учун технологиялар алмашинуви масалаларига кўпроқ эътибор қаратилса, бу сармоявий ҳамкорлик манфаатларига жавоб беради.

Шу маънода ҳам Самарқандда бўлиб ўтадиган саммит минтақавий ва ўзаро боғлиқлик муҳитида ривожланиш учун кенг имкон ва шароит яратишига шубҳа йўқ. Ишончимиз комилки, ШҲТ саммитидан кейинги Туркий давлат ташкилоти тадбири Самарқанднинг тараққиётга биргаликда ҳисса қўшиш борасидаги янги руҳини шакллантиради.

МУНОСАБАТ

# УМУМИЙ ИНТИЛИШЛАР БИЛАНГИНА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳридаги ҳамкорликни кучайтириш борасидаги долзарб таклифлари ва самарали учрашувлари шарҳи



**Одил ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

ОҲИЧК Остона саммити жорий йилнинг сентябрь ойида муваффақиятли ўтган ШҲТ Самарқанд саммити фонида долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари чиқишида ўтган давр мобайнида ОҲИЧК хавфсизликни таъминлаш, Осиёда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенг ва очиқ мулоқот майдони сифатида ўзининг ғоятда зарур эканлигини кўрсатганини эътироф этди ва Ўзбекистон томони форум фаолиятини трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма жараёнда иштирок этишга тайёр эканини билдирди.

Айни пайтда халқаро муносабатларда беқарорлик ва ноаниқлик тобора ўсиб, давлатлар ўртасида мулоқот ва ишонч камайиб бормоқда. Бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиётида узоқ йиллар давомида шаклланган ишлаб чиқариш занжирлари узилиб, давлатлар ва бизнес субъектлари ўртасида таъминот ва савдо соҳасида зиддиятлар келиб чиқмоқда.

Бугун жаҳонда пайдо бўлган нохуш геосиёсий воқелик бутун дунё минтақалари қатори Осиё қитъаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига ҳам катта салбий таъсир кўрсатмоқда, иқтисодий интеграция ва ривожланиш кўламларини секинлаштирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев юқорида баён этган нохуш ҳолатларнинг Осиё қитъаси давлатларининг умумий хавфсизлик манфаатлари, тараққиёт ва фаровонлигига таъсирини камайтириш учун қатор устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

**Биринчи устувор йўналиш** Афғонистондаги вазият билан боғлиқ. ***“Афсуски, — таъкидлади давлатимиз раҳбари, — бошқа ўткир халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Ўтмишда ушбу давлат амалдахалқаротеррорчиликмаконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишимиз зарур”.***

Афғонистон муаммоларини бартараф этиш, масала юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Афғонистон ҳукумати билан томонлар мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш алгоритмини тайёрлаш ва келишиш лозимлиги, бунинг учун юқори даражадаги халқаро музокара олиб борувчи гуруҳни шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган Осиё мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига қўшма мурожаати имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Радикал ғояларнинг кенг тарқалиши ва унга қарши курашиш **иккинчи йўналишнинг** асосий мазмунини ташкил этади. Бугун аксарият давлатларда инсоният душманлари бўлмиш бузғунчи кучлар экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этишга ҳаракат қиляпти. Бу мақсадга эришиш йўлида улар барча воситалардан, жумладан, тарғибот ва мафкуравий таъсирнинг ўта замонавий услубларидан кенг фойдаланмоқда.

Бундай вазиятда ёшларни радикализмдан ҳимоя қилиш, уларнинг куч-ғайрат ва шижоатини бунёдкорлик сари йўналтириш учун халқаро даражада тизимли ҳамкорлик ўрнатилиши тақозо этилади. Фарзандларимиз ўз кучига ишониши, адолатли келажакни қарор топтиришдаги иштирокини ҳис этиши, салоҳият ва умидларини амалда рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёев Мажлиснинг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим

> **АФҒОНИСТОН МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, МАСАЛА ЮЗАСИДАН КЕНГ КОНСЕНСУСГА ЭРИШИШ ВА ГЛОБАЛ ДАРАЖАДА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИ БИЛАН ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БАЖАРИШ АЛГОРИТМИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА КЕЛИШИШ ЛОЗИМЛИГИ, БУНИНГ УЧУН ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ХАЛҚАРО МУЗОКАРА ОЛИБ БОРУВЧИ ГУРУҲНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДАГИ ТАШАББУС ИФОДА ЭТИЛГАН ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИГА ҚЎШМА МУРОЖААТИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.**

топишга кўмаклашувчи янги форматни — Авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни ва бундай илк учрашувни Ёш етакчилар форуми доирасида 2023 йил апрель ойида Самарқандда ўтказишни таклиф этди.

**Учинчи йўналиш** юз берган салбий геосиёсий вазиятда давлатлар иқтисодиётлари глобал инқирознинг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларига мослашиб қолаётгани ва унинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу мақсадга эришиш учун протекционизм кучайишига, глобал бозорлар барқарорлигига хавф соладиган чораларни, жумладан, янги чекловлар жорий этилишига йўл қўймаслик ҳамда Осиё қитъасида ўзаро боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш ҳисобига кучайтириш таклифларини киритди.

**Тўртинчи йўналишда** барқарор тараққиётга таҳдидларнинг олдини олиш учун жаҳон иқтисодиёти келгуси тақдирини белгилаб берадиган саноат инқилоби янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини устун даражада ривожлантириш зарурлиги олға сурилди. Бунинг учун ***“Инновациялар трансфери соҳасидаги салоҳиятини янада тўлиқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, “булутли” технологиялар, сунъий интеллект, “буюм Интернети”ни ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз”. Бу йўналишларда Осиё мамлакатлари глобал даражада етакчи бўлишга биргаликда эришиш учун барча имкониятларга эгадир”,*** — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

**Бешинчи йўналиш** ҳақида гапирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев Осиё қитъасининг қатор давлатлари истеъмол маҳсулотларининг катта қисмини импорт қилиши ва озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоларининг ўткирлашиб кетгани ҳақида сўз юритди. Жумладан, Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳонда очликдан азоб чекаётган аҳолининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшамоқда. Лекин бир вақтнинг ўзида айнан Осиё давлатлари жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади. Демак, ҳамма гап мавжуд ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши билан боғлиқ.

Вазиятни ўнглаш учун озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича яхлит тизимни яратиш таклифлари илгари сурилди.

Ушбу масалаларни Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбарлигида 2023 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда муҳокама қилиш таклифи киритилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида экология ва иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш учун Осиё давлатлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ҳамда мамлакатларни жадал кўкламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича **“Яшил Осиё”** концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни **олтинчи йўналиш** сифатида таклиф этди.

14 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида** жаҳондаги мураккаб вазият, кучайиб бораётган кескинлик ва стратегик мавҳумлик барқарор тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва МДҲ майдонидан максимал даражада самарали фойдаланишни тақозо этишини таъкидлади. Мавжуд хатарларга қарамасдан, МДҲ доирасида барча йўналишлар бўйича ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга муваффақ бўлинаётгани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айланмаси 2021 йилда 35 фоизга ошди, жорий йил бошидан буён эса яна 30 фоиздан кўпроқ ўсди.

Машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан, сўнгги ойларда МДҲ мамлакатларидаги шериклар билан 800 дан ортиқ янги корхона ишга туширилди. Маданий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда фестиваллар, концертлар, ярмаркалар, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ўзаро савдодаги тўсиқларни тезкор бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш лозимлиги айтилди. Давлатимиз раҳбари нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини қайд этди.

“Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” ҳамда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлларини қуришнинг МДҲ давлатлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани кўрсатиб ўтилди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари доирасида ўзаро инновацион ҳамкорлик ва ёшлар масаласида муносабатларни кенгайтириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев келгуси йилда Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари ёш олимларининг “Ёшлар инновация тарафдори” шиори остидаги биринчи конгрессини ўтказишни таклиф қилди. Ўзбекистон таълим, фан, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат борасидаги қўшма лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилишида янада фаол кўмаклашиш ва иштирок этишга тайёрлиги таъкидланди.

Саммит иштирокчилари кенг миқёсли давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор ҳужжатларни имзолади.

Президент Шавкат Мирзиёев **“Марказий Осиё — Россия”** саммитида ҳам иштирок этди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россия лидерлари қатнашди. Мазкур саммитда нохуш геосиёсий вазият шароитида савдо-иқтисодий муносабатлар ҳолати, озиқ-овқат, хомашё ва логистика харажатлари ошиши, Афғонистон муаммоларининг ҳудуд хавфсизлигига таъсири каби масалалар бўйича фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари минтақавий шерикликни кучайтириш мақсадида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган ташаббуслар билан чиқди.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 12–14 октябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг олтинчи саммити (ОҲИЧК) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида сўзлаган нутқлари ва уларда олға сурган таклифлари халқаро жамоатчилик ва сиёсатчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Жумладан, “El Mundo Financiero” интернет-нашри бош муҳаррири Хосе Луис Барсело (Испания), Покистон Ташқи ишлар вазирлиги департаментининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўйича бош директори Шоҳ Файсал Какар, эксперт Шерадил Бактигулов (Қирғизистон), Жанубий Кавказ сиёсатшунослар клуби раҳбари Ильгар Велизаде (Озарбайжон), Анқара Инқироз ва сиёсий таҳлил маркази директори Меҳмет Сейфеттин Эрол (Туркия), Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар маркази ижрочи директори Маҳмуд ул-Ҳасан Хон (Покистон), Замир Каражанов (Қозоғистон) каби кўплаб таниқли сиёсатчилар Ўзбекистон Президентининг жаҳонда мавжуд муаммолар, уларнинг Осиё мамлакатлари ривожига таъсири ва ҳал этиш бўйича пухта ўйланган ечимлар таклиф қилганини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркия, Покистон, Вьетнам, Тожикистон давлатлари делегациялари раҳбарлари ва Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби билан учрашувларида ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Умуман, Остона учрашувларида давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, замонавий таҳдидларни фақат мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда гуллаб-яшнаш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилди. Фақат шериклик ва ишончни мустаҳкамлаган ҳолда умумий интилишлар билан биз эзгу мақсадларга — мамлакатларимиз тинчлиги, барқарорлиги ва равнақини таъминлашга эриша оламиз.

---

> **ОҲИЧК МАЖЛИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛГАН ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЎЗАРО ИШОНЧ ТАҚЧИЛЛАШИБ, МАМЛАКАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЧИГАЛЛАШИБ, МУЛОҚОТ МАЙДОНЛАРИ ТОРАЙИБ БОРАЁТГАН XXI АСРДА ҒОЯТ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

# БИРИ ИККИНЧИСИНИ ТЎЛДИРИБ

## замонавий таҳдидларни енгиб ўтишга хизмат қилади

**Муқаддас манбаларда таъкидланганидек, аввало, сўз пайдо бўлади, кейин моддийлашади, сўзнинг амалдаги инъикоси сифатида воқеалар юз беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Янги Ўзбекистон томонидан халқаро минбарларда кеча сўз бўлиб янграган юзлаб таклифлар қисқа вақт ичида реал воқеликка айланяпти. Бошқача айтганда, аниқ белгиланган Тараққиёт стратегиямиз бир қадам олдинда туриб ташаббуслар кўрсатиш имконини беряпти.**



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси**

Ўтган ҳафта Қозоғистонда бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) саммитида Президентимиз илгари сурган таклифлар фикримизни яна бир карра тасдиқлайди.

Эътибор берсак, давлатимиз раҳбари билдирган ташаббуслар бири иккинчисини тўлдиради. Масалан, Президентимиз таъкидлаганидек, соғлом фикрли жамиятлар ва давлатлар тобора радикаллашиб бораётган ғоялар хуружига тўқнашаётгани, бузғунчи кучлар тарғибот ва мафкуравий таъсирнинг янги услубларидан фойдаланган ҳолда экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этишга уринаётгани мутараққий афкор оммани ташвишга солмай қолмайди, албатта. Бу вазиятда ёш авлод онги ва қалбини радикализмдан ҳимоялаш, уларнинг бор салоҳиятини бунёдкорликка йўналтириш тизимли ҳамкорлик талаб этади. Президентимиз қайд этганидек, **“Ўғил-қизларимиз ўз кучига ишониши, адолатли келажакни қарор топтиришда ўз иштирокини ҳис этиши, салоҳият ва умидларини амалда рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлиши лозим”.**

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон раҳбари илгари сурган навбатдаги ташаббус ёшлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ дейиш мумкин. Хусусан, **“жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини ривожлантириш барқарор тараққиётга қарши қаратилган таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади”.** Президентимиз қайд этганидек, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, юқори технологиялар, сунъий интеллект, интернет тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси ҳам, албатта, ёш авлод вакилларидан иборат бўлади.

Президентимиз барча иштирокчиларнинг эътиборини қаратган навбатдаги глобал масала иқлим ўзгариши, сайёрамиздаги беқарор экологик вазият билан боғлиқ. Бу масалада тарихда йўл қўйилган юзаки ёндашувнинг оқибатини бугунги кундаги озиқ-овқат тақчиллиги, шимолий қутбда ҳаво ҳарорати кўтарилиши, сув тошқинлари каби аянчли ҳодисалар намоён этмоқда. Инсониятни глобал хатардан огоҳлантириш мақсадида юз бераётган бу ҳалокатлар бутун сайёрани қоплаб оладиган яхлит офатга айланмасидан туриб жиддий чоралар кўриш зарур.

Ўтмишда аҳамият қаратилмаган кичик талафотлар минтақавий экологик хатарларга сабаб бўлгани каби айни дамда етарлича амалга оширилмайдиган саъй-ҳаракатлар эртанги глобал иқлим фожиаларига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Шавкат Мирзиёев экология ва иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни ҳамда мамлакатларимизни жадал кўкаламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича “Яшил Осиё” концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни таклиф қилди. Бундай дастурларни амалга оширишда навқирон авлод вакилларини кўпроқ жалб этиш, ёш кўнгиллилар жамоаларини шакллантириш, атроф-муҳитни асрашни халқаро волонтёрлик ҳаракатининг доимий муҳим йўналишларидан бирига айлантириш зарур.

> **МАЖЛИСДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЁШЛАР КЕНГАШИ ҲАМРАИСИ СИФАТИДА АВЛОДЛАР МУЛОҚОТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ. БУНДАН МАҚСАД ТУРЛИ ЁШДАГИ ИНСОНЛАР ЎРТАСИДА БИР-БИРИНИ ЯХШИРОҚ ТУШУНИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИГАН, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИГА БИРГАЛИКДА ЕЧИМ ИЗЛАШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЯНГИ ФОРМАТ — ТАЪСИРЧАН МУЛОҚОТ МАЙДОНИНИ ЯРАТИШДАН ИБОРАТ.**

Мажлисда давлатимиз раҳбари Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни таклиф этди. Бундан мақсад турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим излашга кўмаклашувчи янги формат — таъсирчан мулоқот майдонини яратишдан иборат. Ушбу таклиф, аслида, мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёнида амалиётда қўлланиб, яхши натижалар берганини ҳудудларда ташкил этилган уч авлод учрашувлари исботлади. Яъни Ўзбекистон томонидан илгари суриладиган ташаббуслар реал асосларга эга. Янги форматдаги илк учрашув келгуси йилда Амир Темур таваллуд топган ой — апрелда Самарқандда ўтказиш таклиф қилингани ҳам айни муддао, дейиш мумкин. Зотан, буюк бобомиз кун тартибидаги масалаларнинг ўндан тўққиз улушини кенгаш, машварат билан ҳал этишга одатланганини бутун дунёга аён ҳақиқат.

ОҲИЧК мажлисида Ўзбекистон томонидан билдирилган таҳлил ва таклифлар халқаро муносабатларда ўзаро ишонч тақчиллашиб, мамлакатлараро муносабатлар чигаллашиб, мулоқот майдонлари торайиб бораётган XXI асрда ғоят долзарб аҳамият касб этади. Мазкур ташаббусларнинг реаллашуви глобал иқтисодиётдаги тизимли узилишларга барҳам бериш, сайёрамиз барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш, иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш каби жараёнларга салмоқли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев қатъий ишонч билан алоҳида урғу берганидек, замонавий таҳдидларни фақат мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



# ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

## истеъмолчиларга қандай қулайлик яратади?



Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, тизимда ҳар бир истеъмолчининг шахсий кабинети мавжуд. Дастурий таъминотда қандай ҳисоб-китоб амалга оширилса, худди шу кўринишда шахсий кабинетда ҳам ёзиб борилади.

Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида истеъмолчиларга "ақлли" ҳисоблагичлар ўрнатиш, яъни электр энергиясини ҳисобга олишда автоматлаштирилган тизимни жорий этиш вазифаси қўйилган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жамият томонидан "ақлли" ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари якунига етказилди.

Жорий этилган электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (АСКУЭ) тизими туфайли электр таъминоти корхонасига узатилган манбанинг истеъмолчига боргунга қадар бўлган жараён тўлиқ назорат қилинмоқда.

Электр энергиясини омборга жойлаб, захира қилиб бўлмайди. Шу боис, одатда ҳар бир ҳудуд учун электр сарфи тахминий ҳисобланиб, "лимит" ажратилар эди. Янги тизимда эса барча маълумотлар аниқ кўриниб тургани учун таъминотдаги чекловнинг олди олинади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, маълумотларни сохталаштиришга уриниш, яъни ҳисоблагичга таъсир ўтказиш ҳолатлари юзага келса, дарҳол ўчади ва тизимга хабар жўнатади. Шунингдек, фойдаланилган электр токи учун вақтида тўлов қилинмаса, абонент масофадан автоматик тарзда ўчирилади. Замонавий ҳисоблагичлар электр таъминоти корхонаси томонидан 10 йилда бир маротаба қиёсловдан ўтказилади.

Тизим электр таъминотини яхшилашда катта ёрдам бермоқда. Нафақат истеъмолчиларга, балки трансформатор пунктларига ҳам баланс ҳисоблагичлар ўрнатилган. Бу эса истеъмолчи ва баланс ҳисоблагичлар ўртасидаги тафовут орқали трансформаторнинг юкланганлик даражасини билиш имкониятини беради.

### "Аввало, ўзимиз ўрнак бўлишимиз керак"

Жорий йилнинг 10 июнь куни Президентимиз раҳбарлигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча вазирлик ва идора, ҳокимлик, ҳамда маҳалла биноларини муқобил энергияга ўтказиш юзасидан алоҳида топшириқ берилганди.

— Бевосита электр энергиясига дахлдор ташкилот сифатида бу борада биз бошқаларга ўрнак бўлишимиз керак, — дейди "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш филиали бош мутахассиси Сардор Аҳмедов. — Шундан келиб чиқиб, яқинда "Solar Nature" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, жамият биноси том қисмига 192 та қуёш панелидан иборат қуввати 110 кВт.лик қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилди.Ҳозирда мазкур станцияни тўлиқ ишга туширилди.

Бу тажриба электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, анъанавий тармоқдан узилган ҳолда мустақил таъминотга эга бўлиш, молиявий тежамкорликка эришиш ҳамда қўшимча экологик тоза энергия манбаси яратилишида қўл келади.



Айтиш жоизки, айни пайтда жамиятда ушбу анъана оммалашмоқда. Яъни барча таркибий корхоналар биноларига ана шундай қуёш панеллари қўйиляпти. Хусусан, пойтахтдан ўрнак олган "Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ биноси томига ҳам 27 та қуёш панелидан иборат қуввати 10 кВт. бўлган фотоэлектр станция ўрнатилмоқда. Натижада корхонада йилига 87 кВт. соат электр энергияси ёки 39 миллион 420 минг сўм маблағ тежаб қолинади.

Гап муқобил энергия хусусида кетар экан, кейинги йилларда мамлакатимизда ундан фойдаланиш имкониятини оширишга катта эътибор қаратилиб, катта-кичик лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Маълумотларга қараганда, биргина жорий йилнинг олти ойида умумий қуввати 1154 мегаватт бўлган 5 та иссиқлик ва қуввати 100 мегаватт бўлган битта қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Булар — Бухоро туманидаги қуввати 270 мегаватт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси, Қибрай туманидаги қуввати 240 мегаватт бўлган буғ-газ қурилмаси, Янгиариқ туманидаги қуввати 174 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияси, Қибрай туманидаги қуввати 230 мегаватт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси, яна Қибрай туманидаги қуввати 240 мегаватт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси ҳамда Нуробод туманидаги қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциясидир.

Ушбу станцияларда йилига 9 миллиард 660 миллион киловаттсоат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Қурилмаларнинг энергия тежамкорлиги ҳисобига йилига 1 миллиард 353 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Станциялар қурилишида 3260 киши бандлиги таъминланган бўлса, ишга туширилгач, 445 нафар янги иш ўрни яратилди.

Сўнгги уч йил ичида умумий қуввати 8905 мегаваттга тенг бўлган иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 19 та битим имзолангани ҳали ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллашишидан далолат беради. Эътиборлиси, умумий қиймати 6 миллиард 919 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳалар хорижий компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига рўёбга чиқарилади. Булар юртимизда "яшил" иқтисодиёт, хусусан, "яшил" энергетикани ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир. Муҳими, ишлар изчил давом эттирилмоқда. Режалар кўп. Хусусан, 2023 йил якунига қадар умумий қуввати 1197 мегаватт бўлган 5 та, хусусан, Қораўзак туманида қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси, Шеробод туманида қуввати 457 мегаватт, Ғаллаорол туманида қуввати 220 мегаватт, Каттақўрғон туманида қуввати 220 мегаватт ва Нурота туманида қуввати 200 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари ишга туширилади. Шундан бир йил ўтиб, Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган 2 та ҳамда Томди туманида қуввати 500 мегаватт бўлган шамол электр станциялари фойдаланишга топширилади.

Ҳа, бугун замон шиддаткор. Ривожланиш тезкор. Ана шу тараққиёт аста-секин биз ўрганиб қолган анъанавий иш услубларини ўзгартириб юбормоқда. Тежамкор ва қулай иш услуби давр талабига айланяпти. Шундан келиб чиқиб, 2026 йилга бориб Ўзбекистонда умумий қуввати 8000 мегаваттга тенг бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари ҳамда 6008 мегаваттга тенг янги иссиқлик электр станциялари ишга туширилади.

Таққослаш учун айтиш мумкинки, 1991 йилдан 2016 йилга қадар, яъни 25 йилда 3300 мегаватт қувватлар ишга туширилган бўлса, 2017–2026 йиллар давомида, яъни охирги 10 йилда 18 324 мегаватт ёки беш ярим баробар кўп янги қувватлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилади. Бу жуда катта рақам ва фарқ. Демак, ушбу йўналишдаги ишлар сезиларли даражада олдинга силжимоқда.

### Қарор қўшимча имкониятларни ишга солади

Муқобил энергия замон талаби эканлигини таъкидлаяпмиз. Шундай экан, корхона ёки ташкилотлар, умуман, одамлар ундан қандай фойдаланади?

Бунга Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги "Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида тушунча берилган. Унга кўра, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний шахслар (истеъмолчилар) Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини уч йил мобайнида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиши мумкин.

Молия вазирлиги йил якунига қадар ушбу харажатларни молиялаштириш учун жамғармага унинг асосланган талабномаларига мувофиқ, давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратади.

Ҳужжат билан аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу тартибга тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин айрим жиҳатларни келтириб ўтамиз. Масалан, сиз уйингизга қуёш панеллари ёки шамол станциясини қўймоқчисиз. Қанча компенсация олишингиз мумкин?

Қарорга кўра, жисмоний шахсларга қуёш ёки шамол электр станциясини ўрнатганлик учун компенсациялар миқдори уларнинг қувватига қараб берилади. Масалан, сиз ўрнатган қурилма 0,5 кВт.дан 1 кВт.гача қувватга эга бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараварi, 1 кВт.дан 1,5 кВт.гача бўлса, 10, 1,5 кВт. дан 2 кВт.гача бўлса, 15,2 кВт. ва ундан юқори бўлса, 20 баробари миқдоригача компенсация берилади.

Янги ерлар ўзлаштирилганда ва тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг электр энергияси истеъмоли 5 кВт. ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминланганда эса бу миқдор 50 баробарни ташкил қилади. Фақат бир талаб бор: ўрнатиладиган қурилма ўзимизда ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

Қарорда бундай янгиликлар ва енгилликлар бир қанча. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистонда энергия самарадорлик соҳасидаги вазиятни тубдан ўзгартириш, одамлар ҳаёт тарзини янада яхшилаш эканлиги маълум.

### "Олис" ва "оғир" ҳудудлар доимий эътиборда

Аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун етказиб бериш ускуна ва жиҳозлари ҳам соз бўлиши керак. Ваҳоланки, ҳар қандай кичик носозлик, айниқса, қишнинг совуқ ҳавосида панд бериб қўйиши, қўшимча оворагарчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Шу мақсадда республикамиздаги мавжуд 9370 та маҳалла хатловдан ўтказилиб, муаммолари кўп бўлган 1071 та "олис" ва "оғир" маҳаллаларда умумий узунлиги 4073,8 километр электр узатиш тармоқлари ва 505 та трансформатор пунктлари янгиланди, — дейди "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Каримов. — Шунингдек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 2880 километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 710 та трансформатор пунктлари янгиланиб, таъмирланди.

Ушбу ишларни амалга оширишда, асосан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар жалб қилинмоқда. Мисол учун, июль-август ойларида Нукус шаҳрининг муаммоли маҳаллаларида эскирган, қўлбола 1289 та ёғоч устун темир-бетон таянчларга алмаштирилди, 66 километр тармоқларда янги кабеллар тортилди. Натижада 5 мингдан ортиқ хонадон (20 минг аҳоли)нинг электр таъминоти яхшиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 103 километр электр кабеллари тортилди, 2583 та темир-бетон устун, 7 та янги трансформатор ўрнатилди.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган темир-бетон устунлар ва қўшимча ускуналар тўлиқ "Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Ушбу корхона бир кунда ўртача 100 та, бир йилда 28 800 та темир-бетон устунлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Ваҳоланки, 2021 йилга қадар бундай устунлар Қорақалпоғистонга Тошкент вилоятидан етказиб берилarди. Бу вақт ва харажатни сезиларли даражада оширарди.

Умуман олганда, "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда истеъмолчиларни барқарор ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш учун шу кунгача 28 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқларида ва 9 минг 700 га яқин трансформатор пунктида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, тармоқларда содир бўладиган авариявий ўчишларни тезкор бартараф этиш ва электр энергиясини барқарор етказиб бериш мақсадида республика ҳудудларида жами 1434 нафар ходимдан иборат 478 та тезкор авариявий чиқиш бригадаси ташкил этилган.

Юқоридаги ишлар бажарилиши натижасида ҳудудларда 3,3 мингдан ортиқ маҳалла ва қишлоқлардаги 3,4 миллиондан ортиқ аҳоли ҳамда 206 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти янада яхшиланди.

Куз-қиш мавсумида тизимдаги вазиятларни мониторинг қилиш маркази томонидан туну кун навбатчилик ташкил қилинади. Истеъмолчилар томонидан электр энергияси таъминотига оид мурожаат ва таклифлар "1154" қисқа рақамли Call-маркази ҳамда телеграмм мессенжердаги "Hududiy elektr tarmoqlari AJ билан мулоқот" расмий саҳифаси орқали юборилиши мумкин.

Бугун мамлакатимиз энергетика тизими, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар кўлами кенгайиб, аҳамияти ошиб бормоқда. Бу орқали истеъмолчиларга қулайлик яратиляпти. Биздан эса бир нарса — фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш талаб этилади, холос. Шундай экан, телефонингизга электр корхонасидан келган хабарга бефарақ бўлманг!

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

# "ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРГАТДИ"

**Доимгидек сув ҳавзасидаги балиқларнинг ўйноқи ҳаракатларига термилиб, барча чарчоқларини чиқариб юборадиган Абдурашид Аҳмедов кейинчалик бунинг инсон организми учун анча фойдали эканини англаб етди. Шу боис, шунчаки ишқибозлиги орқасидан бошлаган балиқчилик соҳасидаги тадбиркорлигини янада кенгайтиришга бел боғлади.**

Дастлаб ҳовлисида уч сотих майдонга ёпиқ ҳавза қуриб, балиқ боқишга жой ҳозирлади. Соҳа мутахассислари кўмаги билан тажриба тўплади. Шароит ва иқлимга тез мослашувчан қора лаққа балиқ чавоқларини ҳовузга ташлади. Биринчи йилнинг ўзидаёқ натижа ёмон бўлмади. Астойдил киришгани ва доимий меҳнати эвазига шу йилнинг ўзида балиқ сотишдан тушган соф даромади икки юз миллион сўм бўлди. Интилса, ҳаракат қилса, албатта, муваффақиятга эришиш мумкинлигини англаган ёш тадбиркор фаолиятини янада кенгайтирди. Маҳалла ҳудудида қаровсиз турган ерни олиб, балиқхона ташкил этди. Фойда ҳам шунга монанд ортиб борди.

— Балиқчилик билан шуғулланишни бошлаганимга анча йиллар бўлди, — дейди Абдурашид Аҳмедов. — Бошида анча қийналганман. Ўша пайтларда тадбиркорликнинг бу тури кенг тарқалмаганди.



Балиқ боқиш тартибини тушунмас экансиз, тезда нобуд қилиб қўйишингиз мумкин. Шу сабаб жиддий изланиб, пухта ўрганишга ҳаракат қилганман.

Айни пайтда балиқ етиштиришдан йилига етти юз-саккиз юз миллион даромад топаётган тадбиркорга маҳаллада ҳавас қилаётганлар сафи ортса ортдики, камаймади. Қизиқувчиларга чин дилдан ёрдам қўлини чўзиб, йўл-йўриқ кўрсатиб борди. Бунинг таъсирида маҳаллада балиқчилик билан шуғулланиш истагидагилар сафи кенгайди. Кўплар ўз томорқасида интенсив кўл қуришга киришди. Бу эса тадбиркорни янада қувонтирди. Бир томондан, одамлар доимий даромад манбаига эга бўлса, иккинчи томондан, маҳаллада ишсизлар сафи камайди.

Абдурашид Аҳмедовнинг ташаббускорлиги туман ҳокимлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Жорий йил бошидан ёш тадбиркорни ўз яшаш ҳудуди, яъни Чироқчи туманидаги "Қаҳрамон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси лавозимига ишга таклиф этишди.

Ҳоким ёрдамчиси лавозимида иш бошлаган тадбиркор ўз маҳалласининг ўсиш нуқтасини яхши биларди. Шу боис, бу ишга тезда киришиб кетди. Аҳолига балиқчиликни ташкил этиш борасида таклифлар билдириб, қизиқувчилардан ёрдамини аямади. Баъзи хонадонларга сунъий ҳовуз қуриб бериб, ўзи балиқ чавоқлари билан таъминлади.

— Шу йил маҳалламизда иш бошлаган ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан балиқчиликка қўл урдим, — дейди Қаҳрамон маҳалласида яшовчи Суннат Ҳайитов. — Унинг кўмагида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иш бошладим. Режаларимиз бисёр. Ҳозирги ҳисоб-китобимизга кўра, 150 миллион сўмгача даромад олмоқчимиз. Оиламизда тўрт кишимиз. Шу пайтгача барчамиз ишсиз эдик. Энди эса бош қашишга вақтимиз йўқ.

Ҳоким ёрдамчиси Абдурашид аканинг айтишича, ҳозир биргина Қаҳрамон маҳалласидаги олтмишга яқин хонадонда балиқчилик ташкил этилиб, икки юзга яқин кишининг бандлиги таъминланибди. Режага кўра, балиқ етиштираётган ҳар бир хонадонда йиллик даромад ўртача 150–200 миллион сўм бўлади.

12 сотихли ҳавзада балиқ етиштиришни йўлга қўйган Муҳаммад Исматов хонадонида ҳам бугун ўн киши шу иш билан банд.

— Асосан, сазан боқамиз, — дейди Муҳаммад Исматов. — Оилада кўпчиликмиз. Тўрт ака-ука, беш фарзанд ва бир қўшнимиз биргаликда шу ерда ишлаяпмиз. Топаётган даромадимиз ёмон эмас. Мавсумда бозорга 4 тонна балиқ чиқарамиз. Ҳоким ёрдамчиси доим керакли кўмагини аямайди.

Балиқ боқиш билан шуғулланувчи хонадонлар сонини йил якунига қадар саксонтага етказиш устида ҳаракат қилаётган ҳоким ёрдамчиси ўз тадбиркорлигини ҳам ташлаб қўйгани йўқ. Туман ҳамда қўшни вилоят бозорларига бир йилда ўртача юз тоннадан ортиқ балиқ етказиб, фаолиятини янада кенгайтириб боряпти.

— Ҳоким ёрдамчиларининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни катта бўлмоқда, — дейди Чироқчи тумани ҳокими Нодир Эркаев. — Ҳозир туманимизда жами 59 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, шу вақтга қадар эллик уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ имтиёзли кредитларга йўналтирилди. Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари ҳаракати билан 3414 фуқаро доимий, 11 856 нафари мавсумий ишга жойлаштирилди. 6571 нафарига эса ўзини ўзи банд қилиш имконияти яратиб берилди. 6000 нафарга яқини касб ўрганиш учун ўқишга йўналтирилди.

Барча ҳудудларда бўлгани каби Чироқчида ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сафи кенгайишида ҳоким ёрдамчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Қаҳрамон маҳалласидаги ишлар эса бунга яққол мисол бўла олади.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ЮРТИ

## Янги Ўзбекистон мана шу мақомга ҳар жиҳатдан муносиб

**Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Тадбиркорликка кенг йўл очиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳимоясини таъминлаш мақсадида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, қонунчилик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг фаолиятига халал бераётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриляпти.**



**Муҳиддин КАЛОНОВ,
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Жаҳон банкининг бизнес соҳасидаги яқинда эълон қилинган халқаро рейтингида Ўзбекистон жаҳондаги энг илғор 10 та ислоҳотчи давлат қаторидан жой олди. Мазкур натижага асосий омил сифатида қатор саъй-ҳаракатларни кўрсатиш мумкин. Жумладан, ўтган йил мобайнида бизнес учун мўлжалланган 55 мингдан ортиқ бино ва иншоот барпо этилди. Пул айланмасини 1 миллион АҚШ долларидан оширган тадбиркорлар сони 5 мингга кўпайиб, 26 минг нафарни ташкил этди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етиб, жами экспорт ҳажми 30 фоиз ошди.

Президентимизнинг шу йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти доирасида 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушганди. Уларда кўтарилган тизимли муаммолар ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очиқ мулоқотда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 августдаги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда тадбиркорлик сектори муҳим роль ўйнаяпти. Зотан, Янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун унда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳимоясини ва ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш зарурлигини давлатимиз раҳбари ҳар бир йиғилишда алоҳида таъкидлайди.

Президентимиз ўтган ҳафтада Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида минтақада мавжуд 6 та муаммоли йўналиш бўйича асосли таклифларини илгари сурди. Жумладан, Осиё қитъасида ўзаро боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш ҳисобига кучайтириш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатлараро иқтисодий интеграцияни йўлга қўйиш борасида сўз юритар экан, бу саъй-ҳаракатлар рўёби тадбиркорларимиз олдига фақат маҳаллий бозор билан чекланмай, етиштираётган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқаро савдо платформаси талабларига мослашиш вазифасини қўяди. Бунинг учун ишбилармонларга халқаро савдога доир тушунча ва билим, методик ёрдам керак. Маҳсулотини экспорт қилиш учун зарур йўл-йўриқ, тегишли йўлланма ва йўл харитасига эга бўлмаган, дунё бозоридаги замонавий тенденциялардан бехабар тадбиркор давлат берган кредит ва имтиёзлардан самарали фойдалана олмайди.

Бу масала нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам долзарб. Шу боис, кўплаб давлатлар бизнес доира вакилларининг билими ва тажрибасини оширишда ЖСТ ва БМТнинг қўшма агентлиги бўлган Халқаро савдо маркази академияси кўмагига таянади. У тижорат бўйича нуфузли онлайн таълим ташкилоти бўлиб, ҳар йили олтмишдан ортиқ курсларни таклиф қилади. Йигирма мингдан ортиқ одам халқаро миқёсда тижорат юритиш борасида билимини оширади.

Марказ ҳамкорлар билан бирга хусусий сектор, савдони қўллаб-қувватлаш институтлари, инвестициялар учун инклюзив ва барқарор савдони ривожлантириш ечимларини тақдим этиш орқали иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлар аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури мақсадларига ҳисса қўшиш, бизнесни минтақавий ва глобал бозорлар билан боғлашни мақсад қилган.

Халқаро савдо маркази Марказий Осиёда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Ready4Trade Central Asia номли савдо техник ёрдам лойиҳасини амалга оширмоқда. Бу лойиҳа кичик бизнес корхоналари учун процессуал ва тартибга солувчи трансчегаравий талабларни қамраб оладиган халқаро менежментни ўқитиш дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Бой тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Халқаро савдо марказининг институционал ҳамкори сифатида танланди. Шу йил 16 февраль куни Халқаро савдо маркази ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида Ready4Trade Central Asia лойиҳаси доирасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Жорий йилнинг 14 сентябрида Марказий Осиёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини рағбатлантириш мақсадида “Ўқитишни ташкил этиш ва курс дастурлари мазмуни” компонентининг онлайн муҳокамаси бўлиб ўтди. Ўқув дастури кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалий машғулотлар ҳамда ҳаётий мисоллар орқали ўз маҳсулотларини минтақавий ва халқаро миқёсда экспорт қилиш учун яхшироқ тайёргарлик кўришга ёрдам бериши кутилмоқда.

Ўқув курсларида электрон таълим платформаси орқали онлайн ҳамда бевосита қатнашиш мумкин. Шу йилнинг ёзида инструкторлар Тошкентда қатор офлайн семинарлар ўтказди. Келгуси йилда Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Наманган вилоятларида семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Дастурни муваффақиятли тугатган иштирокчилар онлайн тасдиқдан ўтган халқаро сертификатга эга бўлади. Барча курслар текин.



Ўзбекистонда кичик бизнес учун экспорт ва халқаро савдони ўқитиш дастури йўлга қўйилади. Шу йил 22 сентябрь куни Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ушбу дастурнинг тақдимоти бўлиб ўтди. 23–24 сентябрь кунлари университет ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида тадбиркорлар ва бизнес вакиллари учун халқаро семинар-тренинг ташкил қилинди.

Дастур орқали тадбиркорлар халқаро савдо, экспорт тартиб-қоидалари, транзит йўллар, сифат ва мувофиқлик стандартлари, шунингдек, Европа Иттифоқи бозорининг ўзига хос талаблари билан танишиб, малака ошириши мумкин. Тренинг дастурини Халқаро савдо маркази ишлаб чиққан. Дастур Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги экспортчиларнинг ўзига хос муаммолари ечимига қаратилган.

Ушбу курс орқали тадбиркорлар халқаро меҳнат бозорига чиқиш қийин эмаслигини тушунади. Тўртта модуль орқали тренерлар талаб этиладиган ҳужжатлар ҳамда жараёнлар ҳақида маълумот беради. Бунинг учун тренерлар йил давомида ўқитилди. Асосий вазифа вилоятларда ҳам ёш тадбиркорларда экспорт бўйича керакли кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ready4Trade Central Asia лойиҳасининг ўқув курслари методологиясини янги таълим технологиялари сифатида ўқув жараёнига жорий қилиш имкониятини юқори баҳолади.

Кичик бизнес учун экспорт ва халқаро савдо бўйича бепул курслар иккита қулай форматда тақдим этилади: электрон онлайн курслар ва Ready4Trade Central Asia лойиҳаси доирасида тайёрланган тренерлар бошчилигидаги амалий семинарлар. Курсларда тингловчилар Ўзбекистондан Европа Иттифоқи мамлакатларига товар экспорт қилишни, бизнесни экспорт фаолиятига йўналтириш йўл-йўриқлари, ҳужжатларни расмийлаштириш учун зарур талаблар ва керакли сертификатларни қаердан олиш халқаро савдо қоидалари ва экспорт жараёнининг муҳим жиҳатларини ўрганади.

Ўзбекистонда трансчегаравий савдони бошқариш бўйича Халқаро савдо маркази ишлаб чиққан ўқув дастури 10 модулдан иборат бўлади. Бу дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети инструкторлари иштирокида онлайн форматда ва кундузги ўқув семинарлари шаклида ташкил этилади. Ушбу модуллар 2023 йил охиригача аста-секин жорий этилади. Дастлабки тўртта модуль 2022 йилда таклиф қилинган.

Биринчи модулда тингловчилар халқаро савдо қоидаларидан хабардор бўлади. Жумладан, мамлакатлар нима учун савдо қоидаларини белгилаши, ушбу қоидалар қандай амалга оширилиши ва экспортчиларга қандай таъсир қилиши, маҳсулотни арзонлаштириш, экспорт қилувчи учун савдони осонлаштиришнинг аҳамиятини тушунади.

Иккинчи модуль экспорт жараёнини тушунтиришга қаратилган. У орқали ички савдо ва экспорт ўртасидаги асосий фарқ, экспорт учун зарур ҳужжатлар ва стандарт жараёнлар, экспорт хатари ҳамда уни камайтириш усуллари ўргатилади. Ушбу модулда тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотини экспорт қилишга тайёргарлик кўриш, мазкур жараённинг турли босқичи, унда иштирок этувчи ташкилотлар ва экспорт пайтида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни бошқаришни билиб олади.

Европа Иттифоқи бозор талаблари ҳақида учинчи модулда маълумот берилади. Тадбиркорлик субъектлари кўҳна қитъа билан савдо фаолиятини амалга оширишда Европа бозорининг муайян талабларига, хусусан, сифат ва хавфсизлик стандартлари, қадоқлаш ва маркировка, товарларнинг келиб чиқишини кўрсатиш қоидалари, шунингдек, меҳнат қонунчилигига риоя қилиши кераклиги ўргатилади.

Сифат ва мувофиқлик стандартлари қандай? Экспортчилар уларга риоя этиш учун нима қилиши керак? Бу каби саволларга тўртинчи модуль орқали жавоб олинади. Бир томондан, бундай стандартлар истеъмолчилар, маҳаллий корхоналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, белгиланган қоидаларга риоя қилиш талаблари мамлакатга қараб ўзгаради. Бундан ташқари, сифат сертификатини олиш учун аккредитациядан ўтган лабораториялар маҳсулот экспорт қилинадиган мамлакатда ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Ушбу модулда экспортчилар турли сифат ва мувофиқлик стандартлари, қайси жараён қандай стандартларга мос келиши ва уларни амалга оширишда экспортчилар вазифалари ҳақида тушунча берилади.

Президентимизнинг шу йил 30 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида экспорт қилувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада мустаҳкамланди. Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланмайди. Экспорт қилувчи ташкилотларга фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишидаги имтиёзлар товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар қўлланади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг экспорт қилувчи ташкилотлари очиқ танлов орқали сараланиб олинади ҳамда уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури амалга оширилади. Ready4Trade Central Asia лойиҳаси доирасида бериладиган билим ва тушунчалар маҳаллий экспортёрларнинг жаҳон бозорига чиқиши, юртимизда яратилаётган имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланишида ўзига хос пиллапоя вазифасини ўтайди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# “ҚИЗИЛ”, “САРИҚ” ВА “ЯШИЛ”

## мактаблардаги ижтимоий-маънавий муҳит шундай баҳоланади

**Юртимизда таълим соҳасининг барча тармоқ ва йўналишларида туб ислоҳотлар кечмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бино мустаҳкам бўлиши учун, аввало, пойдевори пишиқ-пухта қурилиши талаб этилади. Ўз олдига Учинчи Ренессанс тамал тошини қўйиш ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш каби улкан мақсадларни кўзлаган жамиятда таълим соҳаси йўлга қўйилмас экан, маррага эришиш мушкул кечади. Шу боис, Президентимиз мутасаддилар олдига таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш вазифасини қўйди.**



**Ваҳобжон РАЖАПОВ,
халқ таълими вазири ўринбосари**

Бунинг, албатта, ўзига хос сабаб ва омиллари бор. Мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган, алоҳида ривожлана олмайдиган соҳа ва тармоқлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам таълим соҳасининг барча тармоқ ва йўналишлари бир вақтда, изчил ва босқичма-босқич ислоҳ қилиняпти.

Президентимизнинг шу йил 11 майдаги “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш вазифаси юклатилган эди. Вазирлар Маҳкамаси шу мақсадда жорий йил 3 октябрь куни “Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

Концепция, энг аввало, умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларни қамраб олгани билан аҳамиятли. Ҳужжатда ушбу саъй-ҳаракатларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш борасида қилинаётган ишларни янги босқичга кўтариш, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, халқимизнинг маънавий қудрати ва миллий қадриятларини асраб-авайлаш, улар билан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, ҳарбий ватанпарварлик ғояларини ҳамда буюк аждодлар жасоратини тарғиб этиш, ўрганиш, улар фаолиятини доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айлантириш каби мақсад ҳамда вазифалар концепциянинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган. Бундан ташқари, узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳам назарда тутилган.

Қарорда умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш юзасидан “Йўл харитаси” белгилаб берилган. Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш масъул вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан бирга Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилган. Вазирлик ҳамкорликда концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан умумий ўрта таълим муассасалари директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари учун ўқув-семинарлар ташкил этади. Халқ таълими бошқаруви органларининг маънавий-маърифий соҳага масъул ходимлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларига қўйилган малака талабларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва мазкур лавозимни малакали кадрлар билан таъминлаш чорасини кўради.

Бундан ташқари, концепция ва “Йўл харитаси”ни бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлайди.

Концепция беш бобдан иборат. Унинг асосий мақсади ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашдан иборат. Чунки таълим тизимини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, садоқат туйғуси билан яшайдиган авлодни тарбиялаш жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган бугунги жараёнда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосий шартлардан биридир. Айни пайтда халқ таълими тизимида “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” эзгу ғояси асосида таълим-тарбияга замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчиларнинг билими ва иқтидори, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Шу билан бирга, ўғил-қизлар тарбияси ва онгига салбий таъсир кўрсатадиган бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик ва бошқа таҳдидлар тобора кучаётгани ҳам бор гап. Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги ишларни замонавий ва таъсирчан ёндашувлар, самарали усуллар асосида янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Концепция “Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби” ғояси асосида мактаблардаги ижтимоий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишни назарда тутади.

Концепцияда белгиланган мақсадга эришишнинг асосий вазифалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бунинг учун, энг аввало, раҳбар ва педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлиги ва масъулиятини ошириш, болаларнинг ўз устида ишлаши ва ташаббускорлигини юксалтириш ҳамда уларда соғлом қадриятларни шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, ўғил-қизларда холисона хулоса чиқариш кўникмасини ривожлантириш, китобхонлик маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга қарши иммунитетини шакллантириш, болалар тарбиясида мактаб, оила, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини, оилаларда фарзанд тарбияси ва уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга эътибор ҳамда масъулиятни кучайтириш, ўқувчиларда намунавий тарбиявий фазилатларни шакллантиришга қаратилган медиамаҳсулотлар яратиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, концепцияда ҳар бир йўналишнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган. Уни амалга ошириш учун керакли мавзулар танланган. Танловлар ўтказиш, китоб ва альбомлар нашр қилиш, медиамаҳсулотлар тайёрлаш, ижтимоий акциялар, жойларда сайёр машғулотлар уюштириш, болалар ижодини рағбатлантириш, аждодлар шахси ва меросини кенг тарғиб қилиш, замонамиз қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш, мусобақа ва тўгараклар ташкил этиш каби аниқ чора-тадбирлар кўрсатилган.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим. Концепцияда мактабдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш ва таҳлил қилиш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда ижтимоий-маънавий муҳитни баҳолаш воситасида мактабларни “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратиш механизми белгиланган.

“Қизил” тоифага кирган мактабларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида идоралараро ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилади. “Сариқ” тоифадаги мактабларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади. “Яшил” тоифадаги мактаблар тажрибаси эса кенг тарғиб қилинади ва оммалаштирилади. Бундай механизм яхши самара беради ва, ўз навбатида, “яшил” тоифадаги мактаблар сони кўпайишига хизмат қилади.

Концепция “Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби” ғояси асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш борасида қилинаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутади. Бунинг натижасида ўқувчилар қалбида халқимизга хос юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мувофиқлаштирилади. Мактабларда маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш ва уларни бугунги кун талаблари билан уйғунлаштириш воситасида болалар онгида маънавий иммунитет мустаҳкамланади. Таълим-тарбия жараёнида мактаб директори, педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги механизми жорий этилиши натижасида мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришилади.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news





**Ўзбекистон Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Нодир Холбўтаев, маданият вазири Озодбек Назарбеков, Республика Маънавият ва маърифат тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти раҳбари Бахтиёр Ҳусанов бошчилигидаги ижодкорлар, театр ва кино юлдузлари, адабиёт ва санъат дарғалари ҳамда иқтидорли ёшлардан иборат ижодий жамоа Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.**
**Баъзан тошқин ва сокин оқадиган Сирдарёнинг устидан ўтар эканмиз, барчамизнинг юзимизга майин эпкинлар оҳиста урилади. "Сирдарё вилоятига хуш келибсиз!" деган ёзувга кўзимиз тушиши билан улуғ бир зиёратгоҳга кириб келаётгандек юрагимни илоҳий калималарга йўғрилган ҳис-туйғулар қамраб олади.**

# ЯНГИ СИРДАРЁНИНГ ОЙДИН ТОНГЛАРИ

## "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида ўтказилаётган "Маънавият карвони"нинг навбатдаги манзили Сирдарё воҳаси бўлди



**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира**

### Бахт боғларига таъзим

Сирдарёликларнинг эзгу нияти, жонини жабборга бериб қилган саъй-ҳаракати, қаҳратоннинг қаҳрию саратон оловидан ҳайиқмай бағирларига босиб олиб чиқаётган бахт боғларига бош эгиб, таъзим қиламан. Айтинг, нечун эгилмайин? Ахир бу муқаддас тупроқда ўттиз тўққизинчи йилларда бадарға қилинган не-не азиз зотларнинг пешона тери тўкилган, боболаримиз, алпдек оғалар, кайвони момолар, парирухсор онахонларнинг хоки поклари ётибди.

Янги Ўзбекистон ривожланаётган давлатлар қаторига кириб, янги Сирдарё унинг барака бешикларидан бирига айлангунича бу муборак заминда меҳнату заҳмат аҳли қанча фидойиликлар қилган. Улар оғзидан олов пуркаб тургандек чўл билан ҳар куни ҳаёт-мамот жангига киришган ва ҳар доим ғолиб бўлиб, ғалаба қилган.

Бугун боғу бўстонга айланиб бораётган, баракага бойланаётган, қайтадан камол топаётган шаҳри Гулистоннинг бу қадар чирой очишида эса не-не жўмардларнинг машаққатли меҳнати мужассам. Гулистоннинг кўркам ва мафтункор шаҳар бўлиб танилиши шу гўшада яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ҳамнафас ва ҳамжиҳатликда бир ёқадан бош чиқариб ишлагани самарасидир.

### Мақсади, маслаги, матлаби бирлар

Мард тақдирини тошдан кўрар, номард йўлдошдан, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Сирдарёликлар энг оғир кунларда ҳам бир-биридан ёзғирмайдиган, яхши кунларида ўтган қайғуларини гапирмайдиган мардлардир. Уларнинг эътиқоди, иймони, мақсади-маслаги, матлаби, муҳаббати бирдир.

Бу ерларда қачонлардир қуш учса қаноти, одам ўтса оёғи куядиган чўлу биёбон бўлганига бугунги кунда бировни ишонтириш қийин. Фақатгина китоблардан ўқиш мумкин Сирдарёнинг ўтмишини.

Ўзбекистон халқ шоири, Сирдарё фарзанди Тўра Сулаймон бу чўлларга келган замонларини бир шеърида бундай тасвирлайди:

*Ўтмишим эсласам, оғрийди жоним,*
*Олов туташгандай ўртанар таним,*
*Қалин тўқай ичра тўкилган қоним,*
*Отамдан ёдгорлик шу чайла, чалғим,*
*Ертўлада кечмиш ўсмирлик чоғим...*

Ҳа, севикли шоиримизнинг тақдирига ўхшаган неча минглаб тақдирлар мана шундай чайлаю ертўлаларaро ғоз туриб обод юрт истиқболи учун, фаровон ҳаёт, нурли келажак учун меҳнат заҳматини чекишган. Улар ўртаниб, қийналиб қазиган ариқлардан бугун Сирдарё аҳли қониб-қониб сув ичмоқда.

Ўша машаққатли замонларда ким ҳам ўйлабдики, вақт ўтиб, кунлар келиб Гулистон юртимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланишини. Бу ерларда Гулистон давлат университети каби бир қанча таълим муассасаларининг қад ростлашини.

Меъморий жиҳатидан ўзига хос виқорли муҳташам мусиқали драма театри, бир йилда 400 дан зиёд мусобақа ва фестивални ўтказадиган кенг ва катта спорт майдонлари, кўркам саройлар, яшиллик оламига бурканиб, гулзорларга айланган хиёбонларда бугун ҳаёт қизғин қайнайди.

Айниқса, халқ соғлиғи йўлида барпо этилган саломатлик йўлакчалари, дилга ёқар дам олиш масканлари, шинам кафе-ресторанлар, шеърият султони Алишер Навоий бобомизнинг шаҳарнинг қоқ ўртасида савлат тўкиб турган улуғвор ҳайкали кўзларни қувнатади.

Ҳозир Сирдарё ёшлари бошида бахт қушлари чарх уриб учиб, булбуллар сайрамоқда. Бахт қўрғонидан эсган атру райҳонлар бўйи Ширин шаҳри атрофига қадар ёйилиб бормоқда. Сирдарё туманида эсган хушнафас насимлар Оқолтин туманининг наҳорги саболарига қўшилиб димоқларга урилади. Янгиер шаҳрига кўрк бағишлаб тушаётган янги бинолар кўзларни қувнатади.

Боёвутнинг боғларида етилган олмалар, Сайхунобод анорлари, Ховоснинг қовун-тарвузлари шу муқаддас гўшанинг серҳосил, унумли ерларининг ризқу баракасидан дарак. Мирзаободнинг олтинранг буғдойзорларида, Меҳнатободнинг кенг далаларида очиладиган қизғалдоқлар уруғи чўл шамолларининг ҳарир пардасига ўраниб, дашту далаларга сочилиб кетади. Сардоба кенгликларида етилган полиз экинларининг харидори жуда кўп...

### Боғингиздан баҳор кетмас бўлди, устоз

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон Сирдарёнинг бўйларига маҳлиё бўлиб, "Баҳор, кетма менинг боғимдан", деб айтганида қалби нечоғлиқ нафосатга ғарқ бўлган экан-а?!

*Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,*
*Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши,*
*Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:*
*Тўхтагай табиатда ҳаққушлар зорланиши,*
*Баҳор, кетма менинг боғимдан...*

Президентимиз ташаббуси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Тўра Сулаймон уй-музейи ташкил этилиши нафақат сирдарёликларни,





балки юртимизда яшаётган барча шеърият мухлисларини беҳад қувонтирди. Мирзаобод тумандаги 2-умумтаълим мактаби, шоир яшаган кўча унинг номи билан аталмоқда.

"Маънавият карвони" тадбирлари доирасида Нодир Холбўтаев ҳамда Сирожиддин Саййид бошчилигида бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар Мирзаобод туманига Тўра Сулаймон уй-музейи қурилишини кўргани бордик.

Кузак шамоллари эсиб турган вақтда анвойи гулларга бурканган Тўра Сулаймон кўчасига кириб борар эканмиз, қаршимизда бунёд этилаётган муҳташам иншоотни кўриб, юракларимиз энтикиб, кўнглимиз шодликка тўлди. Ҳали қурилиш, таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланмаган бўлса-да, савти суратидан бу бино келажакда адабиёт ихлосмандларининг қадами узилмайдиган шеърият қўрғони бўлишидан дарак бериб турибди.

Қурилиш раҳбари Алишер исмли йигит бизларни музей лойиҳаси билан таништирар экан, уй-музей ёнида бунёд этилаётган мўъжазгина боғ, ўқув ва анжуманлар хонаси, кутубхона, шоирга тегишли буюмлар сақланадиган кўргазмалар зали битиб, фақат пардозлаш ишлари қолганини мамнуният билан сўзлаб берди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид уй-музейнинг яқин кунларда такомилига етадиган биносига қараб эҳтиром ила: *"Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон номидаги бу уй-музей яқин келажакда нафақат миллатимиз, балки, дунё адабиёт ихлосмандлари қадамжосига айланади. Бу уй-музейда йирик адабиёт байрамлари, мушоиралар, шеърият кечалари, илмий анжуманлар ўтади",* — дея таъкидлади.

Хаёлан шоир билан гаплашаман-у, лабларим унсиз пичирлайди. "Ассалому алайкум, устоз! Мана, сизнинг шеърият қароргоҳингиздамиз. Сирдарёдамиз, номингиз билан аталган кўчанинг атиргулларига, ранг-баранг чечаклари, яшил арчалари, ҳовлингиздаги марварид тутнинг қуёш нурида товланаётган япроқларига боқиб, "Боғингиздан баҳор кетмас бўлди, устоз", дейман.

### "Энажон", деб бош ур, болам, Боёвутга

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди.

2019 йил 18 май куни Вазирлар Маҳкамасининг "Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу ижод мактабида ёш қалам аҳли малакали устозларидан сабоқ олмоқда. Ёш ижодкорлар Ҳалима Худойбердиева китобларини тўлиғича ёд олиб, шеърларини қўшиққа солмоқда.

Шоира таваллуд топган Боёвут туманидаги Маданият марказида бир қанча маънавий-маърифий тадбирлар иштирокчисига айландик. Боёвут енгил саноат касб-ҳунар коллежида, Гулистон давлат университети ва маҳаллаларда уюштирилган тадбирларда устознинг жонбахш шеърлари қайта ва қайта ёд этилди. Ташрифимиз доирасида мазкур тумандаги мактаблар битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи юқорилаганини эшитиб, дилимиз яйради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги "2020-2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Бўстон оилавий шифокорлик пункти 595 миллион, 7-оилавий поликлиника ҳам инвестиция дастури асосида 997 миллион сўм ҳисобига мукаммал таъмирланган.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида Учқўрғон маҳалласида 80 хонадонли 3 та, Соҳил маҳалласида 120 хонадонли уй-жой фойдаланишга топширилган.

Жорий йилда Янгиобод массивида яна 520 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши жадал уйининг фойдаланишга топширилиши ҳам сирдарёликлар учун аҳамиятга молик воқеадир.

Туманда нефрология маркази, Юксалиш ва Наврўз маҳаллаларида 780 хонадондан иборат 5 қаватли 25 та янги уй-жой қурилгани халқ фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар самарасидир.

Вилоят пахта хирмони юксалишини Оқолтин туманисиз тасаввур этиб бўлмайди. Оқолтинликлар етиштирган полиз экинлари Шимолий муз океанига етиб борган, десак муболаға бўлмас. "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғинида 240 хонадонли 10 та кўп қаватли уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилгани эса туман аҳолиси учун муносиб совға бўлди.

Шу ерда яна бир маълумотни айтиб ўтмасак бўлмас. Тумандаги мавжуд 13 та маҳалланинг бештаси шу вақтгача балансда бўлмаган бинолардан фойдаланиб келган. Президентимиз топшириғи ва туман ҳокими қарори билан мазкур бинолар уларнинг балансига ўтказиб берилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида туманда 1376 та корхона фаолият кўрсатяпти, шундан 824 таси кичик корхона ва микрофирма, 435 таси эса фермер хўжалигидир.

Сайхунобод, Ховос, Мирзаобод, Сардоба, Янгиер, Гулистон, Сирдарё туманлари, Гулистон, Ширин шаҳарларига ташриф буюрганлар сўнгги олти йилда амалга оширилаётган бунёдкорликнинг



суръатларда олиб борилиши мамлакатимиздаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Бағрига шамол теккан Боёвутдаги эзгу ишларни кўриб, қалбимиз завққа тўлди ва устоз Ҳалима Худойбердиеванинг "Улуғбекка" шеърини эсга олдик:

*Жоним ўғлим, қанотсизга сен қанот бўл,*
*Ўзга ўз бўл, эгилмагил, ёдга ёд бўл.*
*Ерга кирса, босиб кетма, эҳтиёт бўл,*
*Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.*
*Сени бердим катта элга, катта юртга,*
*Меҳринг билан кўнгли илиқ, кўзи тўртга,*
*"Энажон", деб бош ур, болам, Боёвутга,*
*Тилингдаги хотирани ўлдирмагил...*

"Маънавият карвони" тадбирлари доирасида Сирдарёдаги кўплаб эзгу ишларга гувоҳ бўлдик ва иштирокчисига айландик.

### Келажак авлод учун имконият

Янгиер шаҳрида бир миллиард сўм эвазига реконструкция қилинган 2 та Маданият марказининг кўркам концерт залларида аҳоли билан учрашдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёшларга китоблар тақдим этилди. Ҳududдаги ўзгариш ва янгиликлардан кўнглимиз ўсди.

Айниқса, Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи базасида Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали очилиши, Янгиер академик лицейи базасида Гулистон давлат университети педагогика факультети ташкил этилиши келажак авлод учун яна бир имкониятдир. Янгиер санаторийси бунёд этилиши, қайта таъмирланган "Мурувват" ногирон аёллар интернат

янги усуллари асосида арзон уй-жойлар эгаси бўлаётган фуқаролар қувончи ва шукроналик сўзларига гувоҳ бўлади. Сирдарё ҳудудларини кезар эканмиз, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"ни жорий қилиш ва шу орқали қийналган оилалар, аёллар, ёшларни аниқ иш билан банд қилиш ва даромадга эга бўлишига алоҳида эътибор берилаётганини кўрдик.

Қаерга бормайлик, эртасига ишонч билан боқаётган замондошларимизнинг қувончига шерик бўлдик. Янги мавзу, янги қаҳрамонлар ҳаётининг шодликлари билан ҳамнафас бўлиб, вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолибмиз. Биз эса Сирдарёга шеърларимиз, қўшиқларимиз қоришиқ меҳру муҳаббатимизни бердик. Сирдарё бизни соҳилининг бўйига, уйининг тўрига ўтказди.

Сирдарё бағридан чиққан сўнмас нур — Ҳалима Худойбердиеванинг "Ўғлим Улуғбекка" деган шеъри парчаси билан мақоламга нуқта қўйдим. Зотан, унда юракдан айтилмаган изҳорларим, ёзилмаган сўзларим ифодаси бор...

*Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига,*
*Пойгагига сен ҳам оёқ еч, болам.*
*Экин эккин унинг қиру ўрига,*
*Тўкин эккин, эккин қолмай кеч, болам.*
*Қолган гаплар бари ёлғон, пуч, болам.*
*Метин болам, қудрат болам, куч болам!*

* * *

"Маънавият карвони"нинг Сирдарё сафаридан қайтар чоғимиз оқчорлоқлар чарх урган дарё соҳилларида отаётган оқ тонгни кузатдик.

Бошинг узра бахт қушларинг кетмас бўлиб қанот ёзган, Хизр назар қилган оқ тонгларинг муборак бўлсин, Сирдарё!

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**
Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1064.
80471 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 23:25